

Абулмаъоний Сайид Собитхон тўранинг ҳаёт йўллари (биринчи мақола)



13:00 / 14.12.2021 1940

Мавлоно Собитхон тўра Файзихон тўра ўғиллари 1866 йил Наманган шаҳри, Сардоба даҳаси, Чор гўристон мавзеси (ҳозирги Тўрақўрғон кўчаси)да зиёлилар хонадонида таваллуд топди.

Унинг насаби бир томондан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга, иккинчи томондан Зокирхожа шайхулислом Намангонийга етиб боради.

Унинг тўлиқ исми мавлоно Сайид Собит Абулмаъоний ал-Ҳанафий ибн сайид Файзхон ан-Намангонийдир.

Отаси Файзихон эшон, бобоси Улуғхон эшон, катта бобоси Сулаймон эшон ҳамда энг катта бобоси Зокир ҳожа эшонлар замонасининг етук олими ва фозили ҳамда нақшбандия тариқатининг вакилларида бўлган.

Қолаверса, уч авлод, яъни бобо-бувалари, Қўқон хонлигининг обрў-эътиборли кишиларидан бўлиб, юқори унвон ва лавозимларда фаолият кўрсатган.

Собитхон тўра дастлабки диний билимни отаси Файзихон тўрадан олади. Сўнгра Наманганнинг «Азизхожа» ва «Сайидқулибек» мадрасаларида

тахсил кўради.

Маълум муддат, Иноятхожа Лангарий даргоҳларида бўлиб, у кишидан ҳам таълим ва тарбия олади. Кейинчалик, чуқурроқ билим олиш учун Қўқонга бориб, у ердаги «Мадрасаи Хон»га ўқишга киради.

Ўша даврнинг маълум ва машҳур устозларидан илми тафсир, илми ҳадис, илми балоғат ва фасоҳат ҳамда илми фикҳ йигитлик давридаёқ ҳаж ибодатини адо этиб келади.

Маълумотларга кўра, Собитхон тўра маълум муддат Мадинаи мунавварада яшаб, фаолият юритган. Тез орада унинг довуғи араб диёри ва Ўрта осийё уламолари орасида Абул-маъоний (маънолар отаси) тахаллуси билан машҳур бўлиб кетади.

Мавлоно Собитхон тўра Мадинада яшаб юрган кезларда Саудиялик уламолар кенгаши томонидан ўтказиладиган илмий анжуманга таклиф қилинади. У анжуманга маълум сабаб билан бироз кечикиб келади. Собитхон тўра етиб келсалар анжуман бошланиб бўлган экан. Анжуман бўлаётган хонанинг эшигини оҳиста очиб, ичкарига кирибдилар. Бирдан унинг нигоҳи анжуман раиси орқасидаги деворга тушибди. Деворга жонли нарсанинг сурати туширилиб, сурат осиб қўйилган экан. Буни кўрган Собитхон тўра дарҳол орқасига қайтиб, чиқиб кетибдилар. Кенгаш раиси ёнидаги шеригига: «Борчи ким экан? Кимдир эшикни очиб кирди-да, яна ортига қайтиб кетди», дебди. Собитхон тўранинг кимлигини билмоқчи бўлиб, ортларидан чиққан одам у кишидан келиб сўрабди. Сен ҳам бу анжуманга таклиф қилинганмисан, дебди. Собитхон тўра: «Ҳа таклиф қилинганман, бироқ мен иштирок этишни хоҳламайман», дебдилар. Шунда ҳалиги киши сабабини сўрабди. Шунда Ҳазрат Собитхон тўра жонли нарсанинг сурати бор жойга кирмайман. Чунки сабабсиз ит боқадиган ва шунингдек, жонли нарсаларнинг сурати туширилган жойга Аллоҳнинг фаришталари кирмайди, дебдилар.

Бу гапларни кенгаш раисига етказилибди. Уламолар кенгаши раиси девордаги суратни дарров олдирибди. Сўнгра Собитхон тўра анжуманга кириб, иштирок этибдилар. Анжуман баҳсу мунозараларга бой ўтибди. Ундаги саволларнинг аксарига Собитхон тўра илмий асосда шарҳлаб ва изоҳлаб жавоб берибдилар. Мана шу анжумандан кейин уламолар Собитхон тўрага «Абул-маъоний» тахаллусини беришган экан.

(Давоми бор)

Акрам Шарипов, мустақил тадқиқотчи,

Чиноз тумани, Олмазор қўрғони.